

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ҲАМКОР ХОРИЖДАН – МАҲСУЛОТ БИЗДАН

Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар йилдан-йилга кўпайиб бораёпти. Бунда албатта, тадбиркорларнинг улуши катта. Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини яхшилашнинг устувор йўналишларидан биридир.

Давлатимиз раҳбари томонидан яратилаётган имтиёزلардан оқилона фойдаланаётган ишбилармонлар чекка ҳудудларда ҳам кичик бизнесни йўлга қўйиб, соҳа ривожига етарли туртки бўлиб, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, Юқори Чирчиқ туманида жойлашган "CERAMIC POWER" МЧЖ Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлсада, унинг харидорлари талайгина. Ингирмадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарувчи бу корхонада 50 ходим муқим иш билан банд. Кунига 20 минг дона, ойига 600 мингга яқин керамик гишт ишлаб чиқарувчи технологик линиялар маҳсулот сифатини таъминламоқда.

– Инвестиция киритиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорлик субъектлари кўпайиб бормоқда, – дейди Юқори Чирчиқ тумани ҳокимининг ўринбосари Бахтиёр Бегматов. – Мазкур корхона яқинда ишга тушганига қарамай, яхши натижаларга эришмоқда. Ички ва ташқи бозорларимиз сифатли маҳсулотлар билан тўлаётгани, энг асосийси, уларнинг ўзинида ишлаб чиқарилаётгани кишини қувонтиради. "CERAMIC POWER" масъулияти чекланган жамияти 1 милли-



он АҚШ доллари миқдорда инвестицияни жалб қилиб, 40 дан зиёд иш ўрни ташкил этди.

– Бошланишида иш осон кечмади, – дейди корхона раҳбари А. Сай-

фиев. – Боиси, четдан келтирилган техника ва технологияларни ўзлаштириб олиш ва ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйганимизча бироз қийналдик. Эндиликда корхона

ишчилари, операторлар янги технологик жараёнларни пухта ўзлаштириб олишди.

Муқаддас ИСРОИЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

СУРАТДА: ишчилар маҳсулот сифатидан мамнун.
Даврон АҲМАД олган сурат.

Жараён

САЙЛОВ ОЧИҚЛИГИ КИМЛАРГА БОҒЛИҚ?

Мамлакатимиз муқим сиёсий воқеа арасида турибди. Шу йил 21 декабрь куни давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга 15 сентябрдан сайлов кампанияси бошланди. Вилоятимизда 60 та сайлов округи ва 86 дан ортиқ сайлов участкаси фаолият юритади. Сайловларда 1 миллион 985 мингдан зиёд сайловчи қатнашиши кутиляпти. Вилоят сайлов комиссияси раиси ўринбосари Зокир Мархаев билан суҳбатимиз сайлов жараёнларининг очиклиги кимларга боғлиқлиги ҳусусида бўлди.

– Айтингчи, сайловчи қандай ҳуқуқларга эга?

– Ҳар бир сайловчи сайлов округлари ва участкаларини тузишга, комиссияларнинг таркиби, улар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Сайлов комиссиялари фуқароларни сайловчилар рўйхати, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар билан таништирилади, депутатликка номзодлар ҳусусидаги маълумотлардан хабардор қилади.

Сайловчилар сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва номзодларнинг келгуси фаолият дастури билан танишишлари мумкин.

– Сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситаларининг вазифаси қандай?

– Эркин ва демократик сайловларни ёритувчи оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ҳам, улар олдида қўйиладиган талаблар ҳам кўп. Лекин, энг асосий ва ҳал қилувчи талаб жараённи очик ва ошкора ёритишдан иборат. Улар сайлов комиссиялари фаолиятини таъминлашда фақат

расмий маълумотларни бериш билан чекланмай, ушбу жараённинг фаол иштирокчисига айланади.

Авваламбор, ОАВ сайловларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамияти ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича шаклланди амалиётимизнинг ҳусусиятлари ва хорижий таъриба ҳақида кенг маълумотлар бериб борадилар. Иккинчидан, жамоатчиликни сайлов жараёнлари тўғрисида изчил хабардор қиладилар. Учунчидан, депутатликка номзодлар ва улар аъзо бўлган сиёсий партияларнинг сайловолди дастурларини электрон рағбат етказуви минбар вазифасини бажаришади. Тўртинчидан, фуқаролик жамияти институтларидан бири сифатида сайлов ўтказиш жараёни устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

– Сайловолди ташвиқотида нимага эътибор берилади?

– Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади. Овоз бериш бошланганига бир кун қолганида сайловолди ташвиқоти тўхтатилади.

(Давоми 2-бетда).

Пахта – 2014

Бекобод тумани фермерлари жорий йилда 15 минг 700 гектар майдонда пахтанинг "Ан-Бобут", "Султон", "Андижон" каби иқлимга мос, эртапишар навларини парваришлаб, мўл ҳосил етиштириди.

Тумандаги "Комилжон" фермер хўжалигининг умумий экин майдони нисбатан чоғроқ – 56 гектар бўлишига қарамай, ҳар йили

МАРОҚЛИ ҲОРДИК УНУМДОРЛИКНИ ОШИРАДИ

Айни пайтда 31 гектар унумдор ерда салмоқли ҳосил тўплаган хўжалик аъзолари пахтани ёнгингарчилик кунларига қолдирмай йиғиштириб олиш тадоригини кўрмоқда.

– Мустақиллик туфайли биз каби умри далада ўтган оддий деҳқоннинг ўзи ҳурмат, меҳнат рағбат кўрадиган дорилармон кунларда яшамокдамиз, – дейди хўжалик раҳбари Комилжон Раҳмонов. – Ўтган йили режани биринчилардан бўлиб бажариб, давлатимиз раҳбари томонидан "Ласетти" автомашинаси билан тақдирланган эдик. Бундай катта эътибор ва ғамхўрлик бизда фахр туйғусини кучайтириш билан бирга, кучайраёт, шижоат бағишлайтир. Насиб қилса, бу йил ҳам биринчи теримнинг ўзидаёқ 40 центнердан ҳосил олиб, белгиланган режани ортиги билан бажарамиз. Фойдага хўжалигимиз таркибига янги тармоқ фаолиятини йўлга қўйиб,

экиш ва ундан кейинги жараёнларда асқотадиган техника харид қилмоқчимиз.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан маълум қилишларича, жорий йилда пахтани тунги суғориш, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклантириш, чопиқ қилиш ишларида илғор агротехник тадбирлар қўлланди. Ўзга низоҳларини чеканка қилиш, беғона ўтлардан тозалашда тажрибали мутахассислар маслаҳатига амал қилинди. Натижада 91 минг 500 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилди.

Бугун оппоқ рангда товланиб, кўзларни қувонтираётган "оқ олтин"ни қисқа муддатларда йиғиштириб олиш учун барча юмушлар белгиланиб, теримчиларга зарур шароит ва қулайликлар яратилган. Тиббий, маданий, савдо хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш борасида ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

давлатга пахта ва ғалла сотиш мажбуриятини ҳудудда биринчилардан бўлиб, ортиги билан адо этади. Хўжалик жорий йилда ҳам ушбу анъанага содиқ қолди. 25 гектар майдонда ундирилган бугдойдан 60 центнердан дон олиб, шартнома шартларини бажарди. Натижада фермернинг ҳам, аъзоларнинг ҳам уйи бугдойга тўлди.



– Жорий йилда ҳам пахтачиликка ихтисослашган саккизта тумандаги фермер хўжаликларининг дала шийпонларида маданий-маърифий, кўнгилолчар тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган, – дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Хуршид Тошўлатов. – Зеро, теримчиларнинг бўш вақти мазмунли ва мароқли ўтса, меҳнат унумдорлиги ошади.

Шу мақсадда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда маданий тадбирлар ўтказмоқдамиз. Келгуси ҳафтада Пискент, Ўрта Чирчиқ, Оққўргон туманларида шундай тадбирлар ташкил этилади.

Бекзод ХИДОЯТОВ,
ЎЗА муҳбири.

МАҲАЛЛАЛАРГА ИЧИМЛИК СУВИ

8,2 километрли Паркент-Обикон ичимлик суви тармоғини қуришда "Муҳандис Плюс Лойиҳа" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари қаторида 19 та маҳалла аҳолиси ҳам ҳашар йўли билан қатнашди.

Шунингдек, Қорақалпоқ қишлоғида 700 метр, Гулбоғ шаҳарчасида 2,2 километрли янги сув тармоғи тортилд. Энди Ҳисоракнинг "Кичик қўрғон" маҳалласи аҳолиси ҳам янги қазилган артезиан сувидан фойдаланмоқда.

Умида ХИДОЯТХУЖАЕВА.

ИМКОН БОР, ИСТАК БЎЛСА БАС...

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, инсон шаъни, қадр-қиммати эъзозланган юрда фаровонлик, энг асосийси, тинчлик, хотиржамлик барқарор бўлади.

– "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги янги тахрирдаги Қонун қабул қилинган, ногиронлар ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, тўлақонли ҳаёт кечириш, жамиятнинг иқтисодий ва

сиёсий фаолиятида изчил қатнашиш, фуқаролик бурчларини бажариш имкониятига эга бўлиши, – дейди "Ногиронлар" жамияти вилоят бўлими раҳбари Йўлдош Ёқубжонов. – Қонун ногиронларнинг аниқ манзилли ижтимоий муҳофазасида асосий дастуриямал бўлиб хизмат қилаётир.

Яқинда бўлим сай-ҳаракати билан Бекобод туманида яшовчи 3 ёшли Дие-ра Равшанова ва ҳали бир ёшга тўлмаган Абдулазиз Эргашевнинг юрагини операция қилиш учун бепул йўлланма олинди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ногиронларни ҳимоя қилишга оид лойиҳаларини Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳар йили молиялаштириб бормоқда. Ўтган йилнинг биринчи чорагида 5 та ННТга 60 миллион сўм грант маблағлари ажратилди. Улар орасида Қибрай туманидаги "Опа-сингиллар" нодавлат нотижорат ташкилоти ҳам бор.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА МИЛЛАТ РАВНАҚИ

Мамлакат Президенти Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асирида таълим-тарбияга маънавиятни шакллантирувчи асосий мезонлардан бири сифатида қаралади. Муаллиф қатъий таъкидлайди: "...Халқимизнинг эртанги кун қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ".

Давлатимиз раҳбарининг мана бу сўзларига диққат қилайлик: "Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил бу таълим-тарбия тизими билан ҳамбарчас боғлиқдир. Маълумки, ота-болаларимиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлиши илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равақининг энг асосий шартини гарови деб билган". Мазкур асарда таълим ва тарбиянинг ўзаро уйғунлиги, уларни

бир-биридан асло ажратиб бўлмаслиги шарқона ҳаёт фалсафаси асосида қуйдагича тушунирилади: "Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси. Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир" деган чуқур маъноли сўзларини эслаймиз".

(Давоми 2-бетда).

2014 йил – Соғлом бола йили

ОЁҚДАН ЎТ ЧАҚНАШИ УЧУН

Мамлакат опа бир неча йилдирки, тиззаси оғришидан шикоят қилади. Физיותרпия муолажаларию турли суртма дорилар ҳам фойда бермади. Шифокорлар унга яссиоёқлик ташхисини қўйишибди. Сўнгги пайтларда катталар ва болаларда бу касаллик кўп учраётди.

Касалликни даволаш йўллари ва усулларини билиш мақсадида Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази болалар шифокори Фулом Сафаров билан суҳбатлашдик.

– Аслида яссиоёқ деб оёқ панжаси гумбазининг ялпайиб, яссилашишига айтилади. У бўйига ёки энига

ясси бўлиши мумкин, гоҳида ҳар иккиси ҳам учрайди. Оёқ яссилиги туғма ва орттирилган бўлади. Болалардаги яссиоёқлик жиддий муаммолардан бири бўлиб, унинг туғма кўри-нишини аниқлаш бироз қийин. Шунинг учун оналар фарзандларига эътиборли бўлишлари лозим.

(Давоми 4-бетда).

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

УСТОЗНИНГ ИСТЕЪДОД МАКТАБИ

Бугун нафақат Тошкент вилояти, балки мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида моҳир педагог, тажрибали устоз Мархабо Қурбоновнинг номини яхши билишда ва қадрлашда. Вилоятимиз мураббийларининг фахрига айланган моҳир педагог Пискент туманидаги 1-умумтаълим мактабига раҳбарлик қилаётир.

Тиниб-тинчимас, изланувчан мураббий касбиға фидойилиги билан эл назарига тушди. Албатта, обрў-эътибор ўз-ўзидан келмайди. Унинг замирида машаққатли меҳнат, тинимсиз изла-ниш ётибди. Бир жамоанинг бошини қовуштириш, ахиллик ва ҳам-жихатлиқни қарор топ-тириш раҳбар ҳодимдан катта маҳорат талаб этади. Мактаб директори бу вазифани шараф

билан уйдаяпти. Устоз етакчилигида ўзига хос истеъдод мактаби шаклланди. Ўтган йили мактабнинг 9-синфини битирган 135 ўқувчининг ҳаммаси таълимнинг кейинги босқичига қамраб олинди. Умуман мактаб педагогик жамоаси ўқувчилар билимининг сифат даражасига алоҳида эътибор қаратади.

(Давоми 2-бетда).

Депутат ва ҳаёт

Мустақиллик ўзликни англаш, аждодларни улуғлаш, авлодларни эъзозлаш бахтини, ўз ўлимининг танлаш имконини берди.

Истиқлол шарофати билан қисқа даврда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётимизда катта ўзгаришлар содир бўлди. Энг муҳими, жамиятда хотин-қизларнинг роли ва мавқеи ошди. Аёлларимиз яратувчанлиги, бунёдкорлиги билан турли давлат ва нодавлат ташкилотларида эркаклар билан тенг ҳуқуқда фаолият юритишмоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: "... аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва таъсири ортиб бораётганини давлат ҳокимиятининг барча бўғинидаги вакиллик органларида 1132 нафар хотин-қиз, жумладан, Олий Мажлисимиз таркибида 48 нафар сенатор ва депутат фаолият юритаётгани, қарийб 332 минг аёл сиёсий партияларнинг аъзоси сифатида ўз салоҳиятини намойён қилаётгани, фуқаролик жамиятининг таянчи бўлган нодавлат нотижовор ташкилотларида уларнинг фаол иштироки таъкидланади. Аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва таъсири ортиб бораётганини давлат ҳокимиятининг барча бўғинидаги вакиллик органларида 1132 нафар хотин-қиз, жумладан, Олий Мажлисимиз таркибида 48 нафар сенатор ва депутат фаолият юритаётгани, қарийб 332 минг аёл сиёсий партияларнинг аъзоси сифатида ўз салоҳиятини намойён қилаётгани, фуқаролик жамиятининг таянчи бўлган нодавлат нотижовор ташкилотларида уларнинг фаол иштироки таъкидланади.

Республика Президентининг "Давлат ва жамиятда хотин-қизларнинг роли ва мавқеи ошди. Аёлларимиз яратувчанлиги, бунёдкорлиги билан турли давлат ва нодавлат ташкилотларида эркаклар билан тенг ҳуқуқда фаолият юритишмоқда.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Дилбар Усмонова шундай фикр билдиришди: "Аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва таъсири ортиб бораётганини давлат ҳокимиятининг барча бўғинидаги вакиллик органларида 1132 нафар хотин-қиз, жумладан, Олий Мажлисимиз таркибида 48 нафар сенатор ва депутат фаолият юритаётгани, қарийб 332 минг аёл сиёсий партияларнинг аъзоси сифатида ўз салоҳиятини намойён қилаётгани, фуқаролик жамиятининг таянчи бўлган нодавлат нотижовор ташкилотларида уларнинг фаол иштироки таъкидланади.

ИШБИЛАРМОН АЁЛ

таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Мамлакатимизда келажак авлод таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган, — дейди Дилбар Усмонова. — Чунки эртанги кун бугуннинг ёшлариға боғлиқ. Бу йил касб-хунар коллежини битирган 6 қизни Қўйраб туманидаги "Фарҳод Мадад" хусусий клиникасига ишга жойлаштирдик. Бундан ташқари, 20 фуқарони доимий иш билан таъминлашга қўмаклашдик.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам депутатнинг назаридан четда қолаётгани йўқ. Шунингдек, "Соғлом бола йили" Давлат дастури талабларини бажариш мақсадида фертил ёшдаги аёлларнинг тиббий қўриқдан тўлиқ ўтишлари таъминланмоқда. "Соғлом авлод келажаги" ширин остида уюштирилган акция ҳам аёллар ва ўсимирларни соғломлаштириш ишлари кучайтиришга бағишланди. Айтиш керакки, бу каби тадбирлар турманнинг қўллаб-қувватлашларида, шифокор ва ҳамширалар, маҳалла ахли иштирокида тез-тез уюштирилмоқда.



Депутат фуқароларнинг муносабатларига ҳам алоҳида эътибор бериб, ижобий ҳал этишга ҳаракат қилади. Жумладан, тадбиркорлар М. Рус-тамова ва Х. Ҳасимованинг банктан узоқ муддатли кредит олишларида Дилбар олинган ёрдам катта бўлди.

— Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: "Жамият тараққиёти аёлларга муносабат билан белгиланади", — дейди депутат. — Бугун қайси соҳага қарамаган, аёлларнинг фаоллигини кўрасиз. Улар ўз салоҳиятларини намойён этишлари учун вилоятимизда имконият ҳам, имтиёз ҳам етарли. Айтгандай, ҳудудимизда янги тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги 21 кишининг 10 нафари аёллар экани фикримиз тасдиғидир. Уларнинг 6 нафарига "Ўзсаноатқурилишбанк"дан ҳам 91 миллион 500 минг сўм микрокредит ажратиш режалаштирилди.

Мамлакатимизда аёлларнинг фаоллигига оид янги гоя ва ташаббуслар қўйилмоқда. Ўз навбатида бу аёлларимизнинг ҳар соҳада улкан ютуқларга эришиши ва турмушимиз янада фаровонлашишига хизмат қилапти.

Ирода МАКСУДОВА.

— Бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатларда бола ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу ҳақда батафсилроқ маълумот берсангиз.


Умид ДАВРОНОВ, Пискент тумани.

УЛАРНИНГ ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИ БОР

Саволга Яқкасарой тумани 1-нотариал идора нотариуси Шухрат ИСРОИЛОВ жавоб беради:

— Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари мамлакатимиз ратификация қилган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси ва бошқа қўллаб-қувватловчи қонун ҳужжатларида баён этилган. Бола манфаатларини таъминлашда ота-онанинг қўллаб-қувватловчи алоҳида аҳамиятга эга.

Бола таълим-тарбиясига таълиқли масалалар бола манфаатларидан келиб чиққан ва унинг фикрини инобатга олган ҳолда ота-она билан келишув асосида ҳал этилади. Болаларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг



нинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, жумладан, ота-она бола таълим-тарбиясига оид мажбуриятларини бажармаганда, ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола васийлик ва ҳомилийлик органига, 14 ёшга тўлгандан кейин эса судга муносабат этиш ҳуқуқига эга.

"Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг

12-моддасига қўра, боланинг яшashi, камол топиши учун оила бирдан бир макон ва табиий муҳит ҳисобланади. Шунинг учун Оила кодексининг 2-моддаси билан ота-она зиммасига фарзанднинг оилада фаровон ҳаёт кечириши ва камолга етиши ҳақида қўллаб-қувватловчи қонун ҳужжатлари қўйилган.

Бола ҳуқуқлари камситилган оилага қонун йўли билан таъсир ўтказишга, ота-она ҳуқуқларини чеклашга ҳатто маҳрум қилишга ҳам тўғри келади.

Инсон ҳуқуқи болалар ҳуқуқидан бошланади. Бинобарин, болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш келажакдаги ҳимоя қилиш дематидир.

ЭЪЛОНЛАР

"REAL AUCTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

ДИҚҚАТ, СОТУВ!

Ипотекабанк АТИБ Оҳангарон филиалига қарашли бўлган Оқ-қўрғон туманида жойлашган ер майдони 2297 кв.м бўлган Оқ-қўрғон мини банки биноси ва Оҳангарон тумани, Қорахитой ҚФЙ, Ёнариқ қишлоғида жойлашган ер майдони 388,62 кв.м бўлган савдо дўкони сотилмоқда.

Мурожаат учун телефонлар: 150-40-52, 150-40-62.

"REAL AUCTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Тошкент вилояти Зангиота тумани СМБ томонидан: 1. 2519/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Қў-Терак Матлубот Инвест" МЧЖ оморбонда сакланаётган: 2009 йилда и/ч., дав/рак: 010077НА, бошланғич баҳоси — 208 801 000 сўм бўлган "AUDI Q7" русумли автотранспорт воситаси; 2. 7119/24-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Зангиота тумани ИИБ жарима майдончасида сакланаётган: 2009 йилда и/ч., дав/рак: 013030ЕА, бошланғич баҳоси — 248 000 000 сўм бўлган "Мерседес-Бенц" русумли техник соза; 3. 4985/8-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Туркистон ҚФЙ, меза-сабзавот базасида сакланаётган: "В700 русумли висококоростная пакетодельная машина" (целован ишлаб чиқаришга мўлжалланган) ускунаси савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 261 087 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 13 октябр кунин соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочили бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмадан закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REAL AUCTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Илак йўли" Мировод филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996800001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-89-13. Гувоҳнома № 008795.

ЧП "IDEAL MED SERVICE" (ИНН 302035745, ОКПО 23787135), зарегирированное ИПСР Сергелийского района г. Ташкента за реестр № 003082-08 от 23.08.2011 г., расположенное по адресу: массив Сергелий-8-А, дом 17, кв. 55 сообщает о своей реорганизации путем преобразования в ООО "IDEAL MED SERVICE". ООО "IDEAL MED SERVICE" является правопреемником по всем правам и обязанностям ЧП "IDEAL MED SERVICE". Претензии принимаются в течение трех месяцев со дня опубликования объявления по телефону: (+99871) 251-45-32.

ЧП "CHIM SAVDO" (ИНН 203740504, ОКПО 18281353), зарегирированное ИПСР Сергелийского района г. Ташкента за реестр № 06-000026 от 09.11.2001 г., расположенное по адресу: ул. Янги Сергелий, дом 12 сообщает о своей реорганизации путем преобразования ООО "CHIM SAVDO". ООО "CHIM SAVDO" является правопреемником по всем правам и обязанностям ЧП "CHIM SAVDO". Претензии принимаются в течение трех месяцев со дня опубликования объявления по телефону: (99890) 995-21-11.

"QUDRATBEK PREMIUM SERVICE" МЧЖ номина 26.11.2012 йилда Кадастр бошқармаси томонидан Сергелий тумани, Чошпена кўчаси, 95-А уйга тегишли бўлган 10:06:02:01:02:0007 рақамли кадастр ҳужжатлари ва бино-иншооти учун берилган ТА № 1644484 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"RESPUBLIKA IXTISOLASHTIRILGAN UROLOGIYA MARKAZI" давлат муассасаси шу ном билан акциядорлик жамиятига айланишини маълум қилади.

"TOSHKENT INTER TUR SERVICE" МЧЖнинг устас жағмармаси 203 389 226 сўмдан 128 573 634.87 сўмга қайта баҳолаш маълум қилади.

Утеранный аттестат № 764034 (рег. № 32), выданный в 1989 г., ср. школы № 11 г. Алматы Ташкентской области на имя Тогар Сергея Леонидовича, ЧИТАТЬ НЕДЕЙТЕЛЬНОСТИ.

ООО "VICTORIA PLUS" (ИНН 207127487), зарегирированное ИПСР хокимията Чиланзарского района за реестр № 007199-08 от 29.07.2011 г., расположенное по адресу: Чиланзар-5, дом 43, кв. 8, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение учредителя № 1 от 26.09.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: 273-30-23.

Олмазор тумани хокимияти ҳузуридаги ТСРП томонидан рўйхатга олинган "LAZIZ-RHINSKITA" МЧЖ "SPOT TASHKENT" МЧЖга бирлаштирини маълум қилади ҳамда "LAZIZ-RHINSKITA" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ мулк ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сўраган экансиз

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАН ЖАЗОЛАНАДИ

"Кейинги вақтларда сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга оид қатор ўзгариш, хусусан сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этилганини эшитдик. Шу ҳақда батафсилроқ маълумот берсангиз?"

Х. Ҳафизов, Ангрен шаҳри.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан илгари сўрилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришда муҳим омил бўлди. Сайловларга оид қонун ҳужжатларига сайловолди ташкилотларини олиб бориш, сайлов кампанияси жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шартларни яратишга қаратилган бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Сайловлар жараёнида очиклик ва ошқораликни таъминлашнинг ҳуқуқий тамойиллари такомиллаштирилди.

Жумладан, қонунчиликка қиритилган ўзгариш ва қўшимчалар орқали сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этилди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида сайлов еки референдум ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик (Жиноят кодексининг 146-моддаси) ва ишончли вакилнинг сайлов ҳуқуқи еки ваколатларини амалга оширишга тўқнаш қилганлик (Жиноят кодексининг 147-моддаси) учунгина жиноий жавобгарлик назарда тутилган эди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига эса сайлов қонунларини бузиш ҳоллари учун жавобгарлигини белгилловчи нормалар йўқ эди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига бир қатор ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланди. Хусусан, Марказий ва қуйи сайлов комиссиялари

Баҳром ҚОБИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқармаси алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси.

Мерос ҳуқуқи хусусида саволларга Мирзо Улугбек тумани 8-давлат нотариал идораси катта нотариуси Моҳира СОДИҚОВА жавоб беради.

ТУРАРЖОЙ НОМАЪЛУМ БЎЛСА...

— Васиятнома ижро этилаётган вақтда тасодифан пайдо бўладиган меросхўрларга нисбатан қандай йўл тутилади?

Иззат ТИЛЛАЕВ, Келес шаҳри.

— Агар меросхўрлар орасида тураржой номаълум шахслар бўлса, қолган меросхўрлар, васиятнома ижро этишчи ва нотариус уларнинг тураржойини аниқлаш ҳамда ворисликка қақшириш юзасидан зарур чоралар қўриши шарт.

ТАҚСИМОТ ДАВРИДА ЧАҚАЛОҚ ТУГИЛСА...

— Мерос тақсимланаётган даврда оиламизда чақалоқ дунёга келди. Айтинчи, гўдак ҳам мене ҳуқуқим меросхўр бўладими?

АЗИЗА МИРЗАЕВА, Оҳангарон шаҳри.

— Агар ҳомила бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр тирик туғилса, қолган меросхўрлар унга тегишли улушни ажратишга мажбурдирлар.

Мерос тақсимида чақалоқнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун васийлик ва ҳомилийк органининг вакили ҳам таклиф этилади.

